КУТУБХОНАСИ

2007 ЙИЛ, 21 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 184 (10.993)

Баҳоси эркин нархда

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА 20 СЕНТЯБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ИТАЛИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ВА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЯНГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИЛАРИ – БОБОХОН МАҲМАДОВ, ЖОВАННИ РИЧЧУЛЛИ ВА РИЧАРД НОРЛАНД ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРДИ.**

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, дипломатларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланганини билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ҳамкорлиги ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон-Тожикистон муносабатлари дўстлик ва яхши қўшничилик анъаналари асосида ривожланмоқда. Мамлакатларимиз раҳбарлари икки томонлама ташрифлар, ШҲТ, ЕврАзЭС, МДҲ каби халқаро ташкилотларнинг саммитлари доирасида мунтазам учрашиб, ўзаро ҳамкорликка, минтақавий интеграция ва хавфсизликка оид масалалар юзасидан фикр алмашиб турадилар.

Икки томонлама муносабатларга доир 150 дан зиёд ҳужжат қабул қилинган. Улар орасида 2000 йили имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик ана шу ҳужжат руҳида ривожланмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Тожикистон қўшма комиссияси тузилган. 2006 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 19,8 фоиз ўсди.

— Халқларимиз ўртасидаги алоқалар тарихи минг йилларга бориб тақалади, — деди Тожикистон элчиси Б.Маҳмадов. — Ўзбекистон бизнинг асосий савдо шеригимиздир. Мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтиришни ўз миссиям давридаги асосий вазифам, деб ҳисоблайман.

Италия Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ҳамкорларидан. Президент Ислом Каримовнинг 1996 йилда Италияга расмий ташрифи олий даражадаги икки томонлама сиёсий мулоқотларни бошлаб берди. Ушбу ташриф асносида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. 1997 йили Тошкентда, 2000 йили Римда Ўзбекистон — Италия саммитлари бўлиб ўтди. Парламентлар, турли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ташрифлари уюштирилди.

Икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик савдо алоқаларидан ташқари турли форумларни ҳам қамраб олган. Тошкентда ташкил қилинган Италия технологиялари ҳафталиги, Рим ва Миланда ўтказилган Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятининг тақдимоти шулар жумласидандир. Савдо-иқтисодий алоқаларни, саноат ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида Савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда экспорт кредитлари масалалари бўйича ишчи гуруҳи тузилган. Мамлакатимизда Италия билан ҳамкорликда тузилган 49 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда, Италиянинг 7 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Гуманитар соҳада икки мамлакатнинг олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот муассасалари ўртасида изчил алоқалар йўлга қўйилган. Ўзбекистонлик ва италиялик олимлар, тадқиқотчилар Қуёш физикаси соҳасидан археологик қазишмаларгача бўлган кўплаб йўналишда изланишлар олиб бормоқда.

— Ўзаро муносабатларимиз ривожланиш йўлидан бормоқда, — деди Италия элчиси Ж.Риччулли. — Яқинда Италияда Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятлар мавжуд ва биз алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдормиз. Мана шу мақсад йўлида хизмат қилишни ўзим учун шараф, деб биламан.

Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари кенг қамровли бўлиб, кўплаб соҳаларни ўз ичига олади. Мамлакатларимизнинг хавфсизликни мустаҳкамлаш ва трансмиллий таҳдидларни бартараф этиш борасидаги ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда.

Иқтисодий алоқалар борасида АҚШ Ўзбекистоннинг йирик савдо шериклари сафидан жой олганлигини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистондаги саноат билан боғлиқ йигирмадан зиёд лойиҳага АҚШнинг 1,4 миллиард долларлик сармояси жалб этилган.

Элчи Р.Норланд Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида куч-ғайратини аямаслигини, Ўзбекистондаги фаолияти давомида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, интеграция масалаларига алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

*2007 – Ижтимоий ҳимоя йили*

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

**МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА. БУ БОРАДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ОНКОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИДА ҲАМ БИР ҚАТОР ИБРАТЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. ХУСУСАН, ЯНГИ МЕҲМОНХОНА ВА КОНФЕРЕНЦИЯ ЗАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ, САККИЗТА КЛИНИК БЎЛИМДА ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БАЖАРИЛДИ.**







Вилоятларда ишлаётган онколог врачлар ушбу марказга малака ошириш, тажриба алмашиш мақсадида ташриф буюради. Марказга шифо истаб келувчи беморларга ҳамроҳ бўлган кишиларни ҳам, малака оширишга келган мутахассисларни ҳам турар-жой масаласи қийнаб қўяр эди. Марказ қошида меҳмонхона бунёд этилгани ана шу муаммони ҳал этди. Янги меҳмонхона замонавий мебель, телевизор, сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминланди.

Марказда соҳа мутахассисларининг илмий анжуманлари, конференциялари мунтазам ўтказиб турилади. Яқинда фойдаланишга топширилган конференция залида тақдимот маросимлари ташкил этиш, илмий-амалий анжуманлар ва конференциялар ўтказиш учун барча шароит мавжуд.

— Марказимизда юқори малакали мутахассисларнинг жаҳон андозаларига мос технологияларга асосланиб иш юритиши учун шароит яратиш, шифо истаб келган беморларни зарур дори-дармонлар билан таъминлаш борасида яхши натижаларга эришдик, — дейди Республика онкология илмий маркази директори, профессор Саримбек Наврўзов. — Ижтимоий ҳимоя йилида ҳомий ташкилотлар ёрдами билан амалга оширилган мазкур қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳам беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга хизмат қилади.

**Г. АЗИМОВА**
**ЎзА мухбири**
**ЎзА олган суратлар**

## Қисқа сатрларда

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги опера ва балет театрида театр ихлосмандларига «Севги шароби» операси намойиш этилди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида тўгараклар, ўқув курслари ҳамда бадиий ҳаваскорлик жамоалари раҳбарлари иштирокида уюштирилган тадбир маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масаласига бағишланди.

● **ЎТГАН** куни Республика қўғирчоқ театри ўзининг янги мавсумини «Офарин, қўғирчоқлар» деб номланган шоу дастури билан очди.

●**МАМЛАКАТИМИЗ** археологлари ва тарихчи олимлари тадқиқотларига кўра пойтахтимиз Тошкент 2200 ёшда эканлиги маълум бўлди.

●**МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институтида педагоглар иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуман Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг 10 йиллигига бағишланди.

●**ТОШКЕНТ** молия институтида олимлар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуманда миллий тараққиётда мантиқийлик, узвийлик барқарорликнинг бош омили эканлиги таъкидлаб ўтилди.

● **ЎТГАН** куни Республика Киночилар уйида Мустақиллик даврида ўзбек киноусталари томонидан яратилаётган бадиий, ҳужжатли фильмларнинг моҳияти ҳамда кино соҳасида эришилаётган ютуқлар таҳлилига бағишлаб ўтказилган матбуот анжумани «Ўзбеккино» миллий агентлиги ташаббуси билан уюштирилди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси томонидан ўтказилган давра суҳбатида Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида сўз юритилди.

● Мамлакатимизда пахта йиғим-терими қизғин паллага кирган. Норин туманидаги Бектемиров номли фермер хўжалиги пахтакорлари ғалаба довонини эгаллашди. Улар 18 гектарли пахта майдонидан 34,4 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришди. Ҳосилнинг 100 фоизи биринчи навга сотилди.

● Пойтахтимиздаги Халқаро Бизнес марказида ўтказилган тадбирда кўп йиллардан бери мижозларга самарали алоқа хизмати кўрсатиб келаётган «COSCOM» компаниясининг истиқболдаги режалари, янги бизнес стратегияси хусусида сўз юритилди.

● Республикамиздаги энг йирик цемент ишлаб чиқариш корхоналаридан бири Навоийдаги «Қизилқумцемент» акциядорлик жамияти ўзининг 30 йиллик юбилейини нишонлади.

● Косонсой туманидаги «Абдувоҳид ҳосилот», «Чашмаи сафед», «Чиндовул ўғлонлари» фермер хўжаликлари «Ўзқишлоқмашхўжаликмашлизинг» компаниясининг вилоят филиали томонидан лизинг асосида янги техника — «МХМ-140» тракторлари билан таъминланди.

● Кеча пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Мутолаа байрами — 2007»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўн кун давом этадиган ушбу байрам тадбирида жойларда Ўзбекистон маданияти ва санъати арбоблари, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар уюштирилади.

● Пойтахтимиз бозорларида «Асал байрами» савдо ярмаркаси бошланди. У Ўзбекистон Асаларичилар уюшмаси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида ташкил этилиб, ярмаркада Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва шаҳримиз асаларичилар жамиятларининг аъзолари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқдалар.

● Шофиркон туманининг Чандир қишлоғида 540 ўқувчи ўрнига эга бўлган саноат ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

### ЖАҲОНДА

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши Афғонистонда хавфсизликни таъминлашга кўмаклашувчи халқаро кучлар ваколатини яна бир йилга узайтирди. Кўпчилик овоз билан қабул қилинган Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясида сўнгги пайтларда мамлакатда «Толибон», «Ал-Қоида» каби террорчи гуруҳлар яна жонланиб қолганидан хавотир билдирилган.

● Европа Иттифоқининг 27 аъзо давлати ички ишлар вазирлари Шенген ҳудудини кенгайтиришга келишиб олдилар. Брюсселда бўлиб ўтган йиғилишда 2008 йил 1 январдан Шенген таркибига кирувчи 15 давлат ўз чегараларини Чехия, Словакия, Венгрия, Словения, Польша, Эстония, Латвия, Литва ва Мальтага очиши маълум қилинди.

● Франциядан паноҳ топувчи муҳожирлар эндиликда ДНК анализларидан ўтишларига тўғри келиши мумкин. Мамлакат интеграция, иммиграция ва тараққиёт вазири Брис Ортефе томонидан парламентга тақдим этилган янги қонун лойиҳасида ана шу кўзда тутилади. Янги қонун лойиҳасида айтилишича, Францияда қонуний истиқомат қилаётган муҳожирларнинг яқин қариндошлари бу давлатда яшаш ҳуқуқини қўлга киритиши учун аввал ДНК анализи ва француз тилидан имтиҳон топширишлари лозим бўлади.

● Япониянинг Ниигата префектурасида жойлашган «Касивадзаки-Карива» атом электр станциясида ёнғин содир бўлди. Бундан хабар топган ўт ўчирувчилар тезда ишга киришиб ярим соатда ёнғинни ўчиришга муваффақ бўлдилар.

● Байрут яқинидаги Хорш Табет шаҳарчасида кучли портлаш юз берди. «Интерфакс» тарқатган хабарга кўра, портлаш оқибатида 9 киши ҳалок бўлган, 20 нафардан кўпроқ одам тан жароҳати олган. Курбонлар орасида мамлакат парламенти депутати Антуан Ганем ҳам бор.

● Ироқ Иордания қироллигига тўрт йиллик танаффусдан сўнг яна нефть экспорт қилишни бошлади. Иордания қироллигининг нефтга бўлган бир кунлик эҳтиёжи 100 минг баррелни ташкил этади. Ироқ ҳукумати келгусида шу миқдордаги нефтни экспорт қилишга тайёрлигини билдирди.

● Саудия Арабистони аёллари улар учун автомобиль бошқаришни таъқиқловчи қонундан норози бўлмоқда. Аёлларнинг рулга ўтириш ҳуқуқини талаб этувчилар томонидан ташкил қилинган қўмита Саудия Арабистони миллий байрами кунида подшоҳ Абдуллога махсус талабнома юборишга қарор қилдилар.

●18 сентябрь куни «Внуково» аэропортининг диспетчерлик хизмати Москвадан Мисрга учаётган «Атлант-Союз» авиакомпаниясининг ИЛ-86 ҳаво кемаси ҳалокатга учрашининг олдини олиб қолди. «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлигининг хабарига кўра, бортида 345 нафар йўловчи бўлган самолёт учиш-қўниш йўлагида тезлик олаётган бир пайтда диспетчер унинг ўнг қанотидаги бакдан ёнилғи тўкилаётганини кўриб қолган.

## ЎЗБЕКИСТОН «ТОЛЕРАНЦ» ХАЛҚАРО МАДАНИЙ АНЖУМАНИДА

**БОННДА ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИНИНГ АНЪАНАВИЙ «ТОЛЕРАНЦ» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ. ГФР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА БОНН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН УШБУ ТАДБИРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ХАЛҚЛАР ВА МАМЛАКАТЛАР, ТУРЛИ ДИН, МИЛЛАТ ВА ЭЛАТ, ИРҚ ВА МАДАНИЯТЛАР ЎРТАСИДА БИР-БИРИНИ ТЎҒРИ ТУШУНИШ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ БИЛАН ИЗОҲЛАНАДИ. ФЕСТИВАЛДА ГЕРМАНИЯДА АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ДИПЛОМАТИЯ МИССИЯЛАРИ, ТУРЛИ ХАЛҚАРО ВА ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Мамлакатимизнинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси кўмагида Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти томонидан ташкил этилган «Ўзбек павильони»да ўзбек халқ амалий санъатининг турли намуналари – сополчилик, тўқимачилик, зардўзлик ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилди. Шулар билан бирга юртимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва бу соҳада мустақиллик йиллари давомида қўлга киритилган улкан муваффақиятлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар бўлмаси ҳам тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

«Ўзбек павильони»ни очар экан, Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти бошқарувининг аъзоси Дагмар Херманн хоним икки мамлакат ўртасидаги маданий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини қайд этди. У кўп сонли меҳмонлар олдида Ўзбекистон ҳақида сўзлар экан, уларни мамлакатимизнинг Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган кўҳна шаҳарларига сафар қилишга ва ўзбек халқининг бой маданий меросини ўз кўзлари билан кўришга чақирди. У Ўзбекистондаги миллатлар ва динлараро аҳиллик ушбу анжуман руҳига жуда мос келишини алоҳида таъкидлади. «Жорий йилда ўз мустақиллигининг 16 йиллигини нишонлаётган бу мўъжизавий мамлакатда 130 миллат ва элат, 16 диний конфессиянинг вакиллари ўзаро тинч ва тотувликда истиқомат қилади. Бу ҳақиқий толерантликнинг тантанасидир», деди Дагмар Херманн хоним.

Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти вице-президенти Диетер Бранденбургер бу фестивалда ҳар йили иштирок этаётган Ўзбекистон ўз тақдимоти билан доимо кўп минг сонли мухлисларни ҳайратга соладиган мамлакатлардан бири бўлиб қолганини қайд этди. «Шуниси қувонарлики, «Ўзбек павильони»га ташриф буюрувчиларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ўзбекистон бой маданият ва кўҳна тарихга эга мамлакат ҳисобланади. Бу ерда дунё динлари ва турли маданиятлар кесишган. Бугунги тадбир кўплаб ҳамюртларимизга ушбу кўҳна диёрнинг кўп қиррали маданияти билан яқиндан танишиш имконини беради», деди у.

Ўзбекистоннинг Германиядаги кўп сонли мухлисларидан бири, Бонн шаҳри жамоатчилигининг вакили Франц-Вильгельм Диас ўзининг қуйидаги фикрларини ўртоқлашди:

«Мен Ўзбекистон маданияти ва санъатига жуда қизиқаман. Ушбу павильон мени Ўзбекистоннинг бой ва кўҳна маданияти билан янада яқинроқ ошно қилди. Мамлакатингиз ҳаётидаги муҳим воқеа нишонланаётган шу кунларда, аввало, Ўзбекистонга миллий мустақилликни асраш ва мустаҳкамлаш тилакларини йўллайман, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ислоҳотлар йўлида бундан ҳам катта зафарларни тилайман. Ишончим комилки, ўзбек халқига хос бўлган ватанпарварлик туйғуси келажакда янада катта муваффақиятларни қўлга киритиш имконини беради.

**«Жаҳон» АА**
**Берлин**





*2007—Ижтимоий ҳимоя йили*

# БОЛАЖОНЛАР КЎНГЛИ ШОДЛИККА ТЎЛДИ

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, БАҚУВВАТ, МАЪНАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ. ХУСУСАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2002 ЙИЛ 24 ОКТЯБРДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ҲАМ АЙНАН МАНА ШУ ХАЙРЛИ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛДИ.**

Ушбу Фармон қабул қилинганига ҳам 5 йил бўлди. Ўтган вақт ичида Фармон ижроси юзасидан жуда кўп саъй-ҳаракатларга қўл урилиб, болалар спортини ривожлантириш, унинг моддий техник базасини такомиллаштириш, вояга етмаган ёшлар ўртасида оммавий спорт тадбирларини мунтазам ташкил этиш ва ўтказиш, ёшларни оммавий спорт турларига кенг кўламда жалб этиш, истеъдодли ёшларнинг мунтазам спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича ибратли ишлар амалга оширилди. Биргина пойтахтимизда 2003-2006 йилларда жамғарма томонидан 11 та болалар спорт мажмуалари янги қурилиб фойдаланишга топширилди. Юртбошимизнинг 2006 йил 26 декабрдаги «Жамғарманинг 2007 йилги бюджети ҳамда болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил 3 январдаги қарорларига мувофиқ тасдиқланган манзилли дастури асосида Юнусобод тумани 19-мавзеси, Миробод туман «Қўйлиқ» мавзеси, Мирзо Улуғбек тумани Северо-Восток мавзеларида 3 та янги болалар спорт мажмуаси ҳамда Ҳамза туманидаги 30-мактаб, Шайхонтоҳур туманидаги 314-мактабларга қўшимча спорт зали қурилиб Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрами кунларида фойдаланишга топширилди.

Куни кеча Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилганининг 5 йиллик байрамига бағишлаб Яккасарой туманидаги «Қушбеги» болалар спорт мажмуасида катта спорт байрами бўлиб ўтди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ва «Фидокорлар» миллий демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлиги ва ҳомийлигида ташкил этилган ушбу тадбирни Ҳамза, Сергели, Яккасарой ва Миробод туманлари мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари «Соғломжон-полвонжон» мусобақалари билан бошлаб беришди. Кичкинтойларнинг шодон қийқириқлари, бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари билан ўтган ушбу мусобақада биринчи ўрин «Яккасарой-2» жамоасига, иккинчи ўрин «Яккасарой-1» ва учинчи ўрин Миробод тумани жамоасига насиб этди.

Шундан сўнг Яккасарой туманида истиқомат қилувчи кўп болали, кам таъминланган оила фарзандларидан 250 нафарига жамғарма томонидан спорт кийимлари топширилди. Ва улар иштирокида спортнинг мини футбол, баскетбол, сузиш, эстафета ўйинлари, стол тенниси турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Ғолиб ва совриндорларга «Фидокорлар» миллий демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Учта босқични қамраб олган ушбу спорт байрами оилавий мусобақалар—«Отам, онам ва мен—спортчилар оиласи» деб номланган қизиқарли ва завқли мусобақа билан якунланди. Барча қатнашчиларни қамраб олишга хизмат қилган ушбу мусобақада Яккасарой, Сергели, Миробод ва Ҳамза туманлари жамоалари астойдил ғалабага интилиб, чиройли ўйин кўрсатдилар.

Натижа эса интилишга қараб ғолибларни саралаб берди. Яъни ушбу мусобақада биринчи ўринни Сергели, иккинчи ўринни Миробод ва учинчи ўринни «Яккасарой-2» жамоалари эгалладилар. Барча қатнашчилар ва ғолиблар жамғарманинг эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишди.

Йиғилганларда катта қизиқиш уйғотган ушбу оммавий спорт байрами барчада яхши таассурот қолдирди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Қушбеги» болалар спорт мажмуасида бўлиб ўтган спорт мусобақаларидан лавҳалар.**

# МУСОБАҚА ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

**АЙНИ КУНЛАРДА БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БРЕСТ ШАҲРИДА БИРИНЧИ МАРТА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ЕВРООСИЁ ЎЙИНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА. ЭРКИН КУРАШ, БЕЛБОҒЛИ КУРАШ, САМБО, СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ, ДЗЮДО, ЕНГИЛ АТЛЕТИКА БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАЁТГАН УШБУ НУФУЗЛИ ТУРНИРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ НОМДОР СПОРТЧИЛАРИ ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДАЛАР.**

Шуниси эътиборлики, ушбу беллашувларга уч марта олимпия, тўққиз марта жаҳон чемпиони Александр Каренин, уч марта Европа, 7 марта жаҳон, уч марта олимпия чемпиони Александр Медведь ҳам ташриф буюрган. Ўзбекистонлик спортчилар учун юқоридаги номдор рақибларга қарши беллашиш ўзига хос маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Биз кўп минг сонли мухлислар номидан спортчиларимизга омад ёр бўлишини тилаймиз.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР — ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 23 октябрь куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.**

2006 йил 30 январдаги 1668/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳудудидаги «Эркин» жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 11Т00-70 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес-Бенц-212» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-18 924 000 сўм.

2007 йил 5 апрелдаги 4782/9-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 30O55-05 бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган «Тойота-Лексус LX-470» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-132 000 000 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев, 1. Тел: 138-69-94,138-69-93. Лицензия DB001-000010.

**Тошкент юридик коллежи маъмурияти қуйидаги бўш ўринларига танлов эълон қилади!**

—Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси—2 та
—Ёшларни чақириққача тайёрлаш фани ўқитувчиси—1 та
—Фуқаролик ҳуқуқи фани ўқитувчиси—1 та
—Кимё фани ўқитувчиси—1 та
—Биология фани ўқитувчиси —1 та
—Психолог —1 та
—Физика фани ўқитувчиси—1 та

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1.Директор номига ариза;
2.Шахсини тасдиқловчи ҳужжат асли;
3.Мутахассислиги ҳақидаги ҳужжат асли.

Танловда иштирок этиш шартлари:
1.Олий маълумотга эга бўлиши;
2.Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлиши.

Аризалар танлов эълон қилинган кундан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилинади.

**Манзил:**

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 12-мавзе, 67-«А» уй

Мурожаат учун тел: 275-77-01, 275-77-12

**Тошкент юридик коллежи маъмурияти**

**2007 йил 31 августдан бошлаб 30 сентябрга қадар**



**Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки Хадра майдони**

**2007-2008 ЙИЛГИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ**

**Бутун сентябрь ойида**
Шанба кунлари—12.00, 15.00
Якшанба кунлари—12.00, 15.00
Касса эрталабки соат 9 дан ишлайди. Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-29-04




Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси В.Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейининг директори **Комилжон Адилович ЗАИРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

В.Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи жамоаси мазкур академик лицейнинг директори **Комилжон Адилович ЗАИРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

## ТВ

O'ZBEKISTON · TOSHKENT · SPORT · 1 · РОССИЯ ТЕЛЕКАНАЛ

## ДУШАНБА, 24

### Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 ТВ анонс.
8.50 «Олтин мерос».
8.55 «Минг бир ривоят».
9.00 «Қуёши ботмайдиган юрт». Телесериал.
9.30 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
9.35 «Покахонтас». Мультсериал.
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «Одами эрсанг»
11.35 «Нон қадри».
11.55 ТВ анонс.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
13.50 «Она юрт наволари».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Боғ». А. Навоий номидаги Наманган мусиқали драма театрининг спектакли. 1-қисм.
15.20 «Ҳаёт манзаралари».
15.30 «Боғ». Спектакль. 2-қисм.
16.20 «Обод манзиллар».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Оҳанглар оғушида».
17.30 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.20 «Минг бир ривоят».
18.25 «Рамазон туҳфаси».
18.50 «Олтин мерос».
18.55 «Бир кун».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал премьераси (Туркия)
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Бир ўлка-ки»
22.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал премьераси (Корея)
22.55 ТВ анонс.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.10 «Довюрак самурай». Телесериал премьераси (Япония)
24.00-00.05 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
00.05 Кўрсатувлар дастури.
00.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сулув заминим Зомин».
00.20 «Чемпион сирлари».
00.40 «Бир ўлка-ки»
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус)
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Улуғбек буржи». Рақс-спектакль.
03.20 «Нон қадри».
03.40 «Обод манзиллар».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ анонс.
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
05.40-5.55 Тонгги наволар.

### Ёшлар

16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 «Нафосат олами». Мусаввир Владимир Ким ижодидан.
17.10 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Телетуҳфа».
18.25 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан: «Устозим!»
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Шу кунларга етказганига шукр!»
18.55 «Телетуҳфа».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
20.05 «UzEX хабарлари».
20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида)
21.45 «ТВ-банк».
21.55 «Эълонлар».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Ғурур». Телесериал.
23.45 «Хайрли тун!»

### Тошкент

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм. «Қундуз амакининг ҳикоялари».
18.05 «Телекурьер - маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Анонс».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «Тв юрист».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг»/рус/.
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури/рус/.
20.15 «ТВ юрист»/рус/.
20.20 «Подводная экспедиция». Познавателная программа. 2-қисм.
20.50 «Интервью»/рус/.
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Ўйларим».
21.50 «Телекурьер - маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури/рус/.
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50- 23.50. Кино: «Гордость и предубеждение». 1-қисм.

### Спорт

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан, 24 сентябрь куни «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.
18.00 «Мир детского спорта».
18.15 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус. тилида)
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Сатисфакция». Сериал.
20.45 «Спортимиз маликалари».
21.05 Футбол шарҳи.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
21.50 «Дела семейные». Сериал. Заключительная-серия.
22.45 ПрофРИНГ.
23.35 Тяжелая атлетика. Чемпионат мира. Мужчины.
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### «Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00 Новости.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Контрольная закупка».
10.00 «Агент национальной безопасности». Сериал.
11.15 «Модный приговор».
12.25 «Детективы».
13.00 Другие новости.
13.30 «Фабрика звезд».
14.00 Новости (с субтитрами).
14.15 «Понять. Простить».
14.50 «Лолита. Без комплексов».
15.55 «Федеральный судья».
17.00 Вечерние новости.
17.15 «Жди меня».
18.05 «Татьянин день».
19.05 «След».
20.00, 2.00 Время.
20.30 «На пути к сердцу».
21.30 «Отцы-одиночки».
22.40 Ночные новости.
22.55 «Фабрика звезд» дома».
23.30 «Психологический террор».
00.15 «Гении и злодеи».
00.50, 2.30 «Один неверный ход».
3.10 «Дети на заказ»

### «Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.00 «Братская ГЭС».
7.55 Фильм «Мужчина должен платить».
9.45, 3.40 Вести. Дежурная часть.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.30, 12.40, 16.20, 18.40 Местное время.
10.50 «Таинственный остров». Телесериал.
11.15 «Три талера».
11.50 «Приключения капитана Врунгеля». М/с.
12.10 «Простые истины». Телесериал.
13.10 «Своя команда». Телесериал.
13.40 «Мачеха».
14.30 «Суд идет».
15.30 «Кулагин и партнеры».
16.40 «Ангел-хранитель». Т/с.
17.40 «Держи меня крепче». Телесериал.
19.45 «Спокойной ночи, малыши!».
19.55 «Я сыщик». Телесериал.
21.55 «Мой серебряный шар».
22.55 «Вести+».
23.15 «Очевидное - невероятное».
23.45 «Честный детектив».
00.10 «Синемания».
00.45 «Дорожный патруль».
00.55 Комедия «Безумный день - среда».
3.00 «Евроньюс».

### «НТВ»

5.00 «Сегодня утром».
8.05 «Следствие вели...».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.45 «Сегодня».
9.25 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю».
9.55 «Кулинарный поединок».
11.00 «Квартирный вопрос».
12.35 «Ночное происшествие».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.25 «Закон и порядок».
18.40 Сериал «Бешеная».
19.40 Сериал «Защита Красина».
20.45 Сериал «Опера. Хроники убойного отдела».
22.10 Сериал «Бальзаковский возраст, или Все мужики сво...».
23.10 Профессия - репортер.
23.20 «Школа злословия».
00.15 «Top gear».
00.45 Комедия «Почти герои».
2.30 Х/ф «Александр Невский».
4.10 М/с «Богатенький Ричи».

### «СТС»

7.00 «Школа «Черная дыра». Сериал.
7.45 «Боцман и попугай». М/ф.
7.55, 15.00 «Смешарики». М/ф.
8.00, 18.00, 2.00 Комедия «Моя прекрасная няня».
8.30, 20.00, 1.30 Комедия «Папины дочки».
9.00, 21.00 «Кадетство». Сериал.
10.00, 20.30, 1.00 Истории в деталях.
10.30, 19.00 «Школа №1». Сериал.
11.30 «Звонок».
12.30 «Безмолвный свидетель». Детектив.
13.30 Фильм «На грани жизни и смерти. Мюнхенская авиакатастрофа».
14.30 «Экстремальная команда». М/ф.
15.05 «Скуби Ду». М/ф.
15.30 «Приключения Джеки Чана». М/ф.
16.00 «Легенда о Тарзане». М/ф.
16.30 «Чародейки». М/ф.
17.00 «Таинственный портал». Сериал.
17.30 «Галилео».
22.00 «Тридцатилетние». Сериал.
23.00 Кино «От заката до рассвета».
2.30 Комедия «100 подвигов Эдди Макдауда».
3.15 «Пасадена». Сериал.
4.40 «Миссия ясновидения». Сериал.
5.20 «Секретные агенты». Сериал.
5.45 Музыка на СТС.

### «ТВ-3»

7.00 Победоносный голос.
7.30, 9.30 Мультфильмы.
10.30, 17.30 Уп-пс!
11.30, 16.30, 18.30 Сериал «Звездные врата».
12.30 Успеть за 23 минуты.
13.00, 19.00 Рецепты судьбы.
14.00, 21.00 Тайны.
15.00, 20.00 Сериал «Говорящая с призраками».
16.00 Детский сериал «Мурашки».
22.00 Х/ф «Провал во времени».
00.00, 2.30 Сериал «Байки из склепа».
00.30 Х/ф «Лепрекон-2».
3.00 Культ наличности.
6.00 Relakс.

## СЕШАНБА, 25

### Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Минг бир ривоят».
8.50 «Қуёши ботмайдиган юрт». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
2. «Покахонтас». Мультсериал.
10.25 «Бир ўлка-ки»
10.45 ТВ анонс.
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
13.50 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
15.10 «Бу менинг Ватаним!» Тошкент вилояти.
15.40 «Шарқ тароналари».
15.55 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. «Буни умр дерлар».
16.10 ТВ анонс.
16.15 «Ҳаёт ва қонун».
«Болалар сайёраси»:
16.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.55 ТВ анонс.
17.00 «Ахборот».
17.10 Эски альбом.
17.15 «Ҳудудлар ҳаёти».
17.30 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.20 «Минг бир ривоят».
18.25 «Рамазон туҳфаси».
18.50 «Олтин мерос».
18.55 «Икки дарё оралиғида». 1-қисм.
19.15 «Банк ва бизнес янгиликлари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Бир ўлка-ки»
22.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
22.55 ТВ анонс.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.10 «Довюрак самурай». Телесериал.
24.00-00.10 Тунги наволар.
Uzbekistan».
00.10 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Фаёзтепа».
00.40 «Бир ўлка-ки»
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус)
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.30 «Мисли гавҳар».
02.40 «Истеъдод».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Икки дарё оралиғида». 1-қисм.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ анонс.
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
05.40-05.55 Тонгги наволар.

### Ёшлар

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Эртагим-эртак»
8.40 «Болалар табассуми».
8.45 «Имом Бухорий». Видеофильм. 1-қисм.
9.30 «Мулки мумтоз».
9.50 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан: «Устозим!»
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар». Телесериал.
10.35 «Телетуҳфа».
10.40 «Интерфутбол».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «ТВ-банк».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Телетуҳфа».
13.15 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Пуаро». Телесериал.
14.50 «Тафаккур нури».
14.55 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
15.00 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.50 «Нафосат олами». Мусаввир Ҳаким Мирзаахмедов ижодидан.
16.00 «ДАВР».
16.10 «Телетуҳфа».
16.15 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён».
17.00 «Истиқбол тимсоллари».
17.10 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Телетуҳфа».
18.25 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан: «Устозим!»
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Шу кунларга етказганига шукр!»
18.55 «Телетуҳфа».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
20.05 «Ватаним!»
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Матонат».
20.35 «Телетуҳфа».
20.40 «Мусиқий лаҳза».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Эълонлар».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Ғурур». Телесериал.
23.45 «Хайрли тун!»

### Тошкент

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7 30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
8.30 «Анонс».
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «ТВ юрист».
9.30 «Анонс».
9.35 «Аёл қалби».
9.50 «Биласизми?»
9.55 «Мусиқа SMS».
10.20 «Ўйларим».
10.25 «Анонс».
10.30 «Интервью»/рус/.
10.40 «Тв юрист»/рус/.
10.45 «Анонс».
10.50 -11.40 «Мисс Марпл». Телесериал.
* * *
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм: «Қундуз амакининг ҳикоялари».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Анонс».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «Тв юрист».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Ҳимоя».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури/рус/.
20.15 «ТВ юрист»/рус/.
20.20 «Подводная экспедиция». Познавателная программа. 3-қисм.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Ўйларим».
21.50 «Телекурьер - маркет».
22.10 «O'zbektelefilm» маҳсулоти: «Гуллар жозибаси». /Премьера/.
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури/рус/.
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50 – 23.50 Кино: «Гордость и предубеждение». 2-қисм.

### Спорт

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус. тилида)
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
10.20 «Мониторинг».
10.40 Волейбол. Чемпионат Европы. Женщины.
11.20 – 11.50 Автоспорт. Гран-при.
***
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус. тилида)
18.50 «Вокруг света».
19.35 «Кўп яшанг».
20.00 «Сатисфакция». Сериал.
20.45 «Спорт – менинг ҳаётим».
21.00 Тяжелая атлетика. Чемпионат мира. Мужчины.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
21.50 «Большая прогулка». Сериал.
23.15 Еврофутбол.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### «Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00 Новости.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Контрольная закупка».
10.00 «Агент национальной безопасности». Сериал.
11.15 «Модный приговор».
12.25 «Детективы».
13.00 Другие новости.
13.25, 22.55 «Фабрика звезд» дома».
14.00 Новости (с субтитрами).
14.15 «Понять. Простить».
14.50 «Лолита. Без комплексов».
15.55 «Федеральный судья».
17.00 Вечерние новости (с субтитрами).
17.15 «Пусть говорят.
18.05 «Татьянин день».
19.05 «След».
20.00, 2.00 Время.
20.30 «На пути к сердцу».
21.35 «Инна Ульянова. Слабости сильной женщины».
22.40 Ночные новости.
23.30 «Царь-ракета».
00.15 «Доброй ночи».
1.15, 2.30 «Танцы улиц».
3.20 «Поджог, или Короткое замыкание».

### «Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.00 «ТУ-104. Последние слова летчика Кузнецова».
7.55, 19.55 «Я сыщик». Телесериал.
9.45, 3.40 Вести. Дежурная часть.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.30, 12.40, 16.20, 18.40 Местное время. Вести-Москва.
10.50 «Таинственный остров». Телесериал.
11.15 «Три талера». Телесериал.
11.50 «Приключения капитана Врунгеля». М/с.
12.10 «Простые истины». Телесериал.
13.10 «Своя команда». Телесериал.
13.40 «Мачеха».
14.30 «Суд идет».
15.30 «Кулагин и партнеры».
16.40 «Ангел-хранитель». Телесериал.
17.40 «Держи меня крепче». Телесериал.
19.45 «Спокойной ночи, малыши!».
21.55 «Код газначейства».
22.55 «Вести+».
23.15 Фильм «Прорыв».
00.55 «Дорожный патруль».
1.15 Сериал «Закон и порядок».
2.00 «Большая любовь». Телесериал.
2.45 Канал «Евроньюс».

### «НТВ»

5.00 «Сегодня утром».
8.05 «Наше все!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.45 «Сегодня».
9.25 «Чистосердечное признание».
9.55 Сериал «Таксистка - 3»
12.30, 18.40 Сериал «Бешеная».
13.30, 19.40 Сериал «Защита Красина».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.30, 1.55 Сериал «Возвращение Мухтара- 2».
20.40 Сериал «Опера. Хроники убойного отдела».
22.10 Сериал «Бальзаковский возраст, или Все мужики сво...- 2».
23.10 «Главная дорога».
23.40 Фильм «Потаенное».
3.25 «Криминальная Россия».
3.50 Сериал «Центр Вселенной».
4.10 М/с «Богатенький Ричи».

### «СТС»

7.00 «Школа «Черная дыра». Сериал.
7.45 «Боцман и попугай». М/ф.
7.55, 15.00 «Смешарики». М/ф.
8.00, 18.00, 2.00 Комедия «Моя прекрасная няня».
8.30, 20.00, 1.30 Комедия «Папины дочки».
9.00, 21.00 «Кадетство». Сериал.
10.00, 20.30, 1.00 Истории в деталях.
10.30, 19.00 «Школа №1». Сериал.
11.30, 22.00 «Тридцатилетние». Сериал.
12.30 «Безмолвный свидетель». Детектив.
13.30 Фильм «На грани жизни и смерти. Извержение вулкана Святой Елены».
14.30 «Экстремальная команда». М/ф.
15.05 «Скуби Ду». М/ф.
15.30 «Приключения Джеки Чана». М/ф.
16.00 «Легенда о Тарзане». М/ф.
16.30 «Чародейки». М/ф.
17.00 «Таинственный портал». Сериал.
17.30 «Галилео».
23.00 Кино «Глубина».
2.30 «Щит». Сериал.
3.15 «Пасадена». Сериал.
4.40 «Миссия ясновидения». Сериал.
5.20 «Секретные агенты». Сериал.
5.45 Музыка на СТС.

### «ТВ-3»

7.00 Победоносный голос.
7.30, 9.30 Мультфильмы.
10.00 Похудение без запретов.
10.30, 17.30 Уп-пс!
11.30 16.30 Сериал «Звездные врата».
12.30 Успеть за 23 минуты.
13.00, 18.30, 19.00 Рецепты судьбы.
14.00, 21.00 Тайны.
15.00, 20.00 Сериал «Говорящая с призраками».
16.00 Детский сериал «Мурашки».
22.00 Х/ф «Уикенд Остермана».
00.00, 2.30 Сериал «Байки из склепа».
00.30 Х/ф «Паутина».
3.00 Культ наличности.
6.00 Relakс.

### «Культура»

5.30 «Евроньюс»
9.00, 18.30, 21.05 Новости культуры.
9.20 «В главной роли...».
9.50 «Анна на шее». Х/ф.
11.15 «Живое дерево ремесел».
11.25 «Тем временем».
12.20 Academia.
12.50 «Какие наши годы». Х/ф.
14.10 «Дженэ. Глиняный город». Д/ф.
14.25 «Устремленный в будущее».
14.55 «Порядок слов».
15.00 «Госпиталь Хиллтоп». М/с.
15.20 «Терем-теремок». «Путешествие муравья». М/ф.
15.40 «Новые приключения Лесси». Телесериал.
16.00 «Питер-Брейгель-старший. «Слепые». Д/ф.
16.10 «Поместье сурикат». Д/с.
16.35 «Каменноостровский дворец».
17.00 «Уильям Фолкнер». Д/ф.
18.00 Ночной полет.
18.55 Больше, чем любовь.
19.35 Иностранное дело.
20.20, 21.25 «Владимир Спиваков приглашает...».
22.30 «Путешествия с тетушкой». Х/ф.
00.25 Вспоминая Анатолия Собчака.
1.55 «Серебряный век».

## ЧОРШАНБА, 26

### Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Минг бир ривоят».
8.50 «Қуёши ботмайдиган юрт». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Покахонтас». Мультсериал.
10.05 ТВ анонс.
10.10 «Бир ўлка-ки»
10.30 «Замонавий ўзбек мусиқаси».
10.50 «Ифтихор».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Она ер яшашни истайди».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
13.50 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».

*(Давоми 4-бетда)*

